

**ВАСИЙЛАР (ҲОМИЙЛАР) ВА ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАРНИНГ СПОРТ  
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ИШТИРОКИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

**Муротов Н.Н.**  
ТДЮУ, Тошкент

**Имомов Н**

Илмий раҳбар, фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори, кафедра мудирини, ю.ф.д

Дунёда спорт соҳасини ривожлантириш, спортчиларнинг, хусусан вояга етмаган спортчиларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда вакиллар, жумладан қонуний вакилларнинг иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Спорт соҳасида адолат ва спорт принципларига риоя қилиш, спорт мусобақаларини ўтказишда барча тенг ва бирдай шароитларни яратиш, вояга етмаган спортчиларни ҳуқуқларини амалга оширишда улар қонуний вакилларининг иштироки таъминлаш долзарб тус касб этмоқда.

Жаҳонда вояга етмаган спортчилар билан шартнома тузишда вакилларнинг иштироки борасида аниқ тартиботлар ўрнатилган. Хусусан, халқаро спорт федерациялари ва уюшмалари томонидан профессионал спорт соҳасида вояга етмаганларнинг иштироки борасида қатъий талаблар белгиланган. Бунда спорт турларидан келиб чиқиб вояга етмаган спортчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чекловлар белгиланган. Вояга етмаган спортчининг профессионал спорт соҳасида шартнома тузишлари ҳам муайян ёшга етганидан кейин уларнинг қонуний вакиллари иштирокида амалга оширилиши борасида талаблар мавжуд. Шунга қарамадан бугунги кунда вояга етмаган спортчи билан шартномалар тузишда қонуний вакилларнинг иштирокига оид қоидалар, спорт машғулоти ва мусобақаларини ўтказишда қонуний вакилларнинг бевосита қатнашиши, вояга етмаган спортчининг ҳолати, соғлиғи ҳақида унинг қонуний вакилларини доимий хабардор қилиш бўйича спорт клубларининг мажбуриятлари борасида аниқ талаблар ва мезонлар назарда тутилмаган.

Маълумки, спорт соҳасини тартибга солишда ҳуқуқий ва ноҳуқуқий манбалардан фойдаланилади. Бунда ноҳуқуқий манбалар, хусусан, турли спорт федерациялари, ушмалари ва ташкилотларнинг ички ҳужжатлари, мусобақаларни ўтказиш регламентлари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган қоидалар асосий ўринни эгаллайди. Аксар ҳолларда ушбу ноҳуқуқий манбаларда вояга етмаган спортчиларнинг ҳуқуқий ҳолати, улар билан шартнома тузишда қонуний вакилларнинг иштироки формал тусда белгиланган бўлиб, аксарият ҳолатларда қонуний вакилларнинг иштироки одат нормалари билан тартибга солинади. Кўплаб спорт соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи қонун талаблари ва нормалари бўлмаган, ушбу соҳа ўзини ўзи тартибга солиш асосида қурилганлиги, давлат

органларининг бу соҳадаги иштирокига йўл қўйилмаслиги сабабли ҳам вояга етмаган спортчиларнинг ҳуқуқларини бузилиш ҳолатлари учраб туради. Масалан, онлайн тарзда ўтказиладиган мусобақаларда вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини таъминлаш, улар шикоятларни кўриб чиқиш ва шу каби бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш масалалари ҳам давлат судлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин эмас. Бу эса ўз навбатида муайян қийинчиликларни юзага келтиради.

Таҳкидлаш лозимки, Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, аҳолининг барча қатламларида маънан ва жисмонан соғлом муҳитни яратиш, саломатликни мустаҳкамлаш ғояси илгари сурилган. Шу боис, айти пайтда жисмоний тарбия ва спортга эътибор давлат аҳамиятига молик муҳим ижтимоий сиёсий вазифага айланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда вояга етмаган спортчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар билан тузиладиган шартномаларда қонуний вакилларнинг бевосита иштирокини таъминлаш, вояга етмаган профессионал спортчи билан тузиладиган шартномаларда қонуний вакиллар билан бирга агентлар иштирокининг асосларини белгилаш долзарб тусга эга. Вояга етмаган спортчи ҳуқуқларини амалга ошириш, улар иштироки этадиган мусобақаларда қонуний вакиллар қатнашишини ҳам таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам бугунги кунда нуқтаи назаридан долзарбдир.

Вояга етмаганлик одатда жисмоний шахснинг қонун билан белгиланган муайян ёш чегарасидан ўтмаганлик ҳолатини англатади. Бу ўз навбатида жисмоний шахс – фуқаронинг муайян ҳуқуқий муносабатларнинг бевосита ва билвосита иштирок этиши, тўғрироғи ҳуқуқ субъектчилиги билан боғлиқдир. Фуқаролик ҳуқуқи доктринасига кўра, фуқаро туғилиши билан (баъзи ҳолларида эса туғилишидан олдинроқ) ҳуқуқ субъекти ҳисобланади ва ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ҳуқуқ лаёқати эса шахсга муайян ҳуқуқларга эга бўла олиш имкониятини тақдим этади. Бироқ бу лаёқат шахснинг ўзига тегишли ҳуқуқларни ўзи амалга ошира олиши ҳали англамайди. Тўғри ҳуқуқ лаёқати мазмунини ташкил этувчи айрим ҳуқуқларни жисмоний шахс – инсон муайян ёшга кириши билан мустақил амалга ошира бошлайди ва бундай ҳуқуқлар инсоннинг ёши улғайиб бориши билан купайиб боради.

Р.Ж.Матқурбановнинг фикрича, “вояга етмаганлар фуқаролик ҳуқуқ субъектчилигининг таҳлили унинг ривожланиб бориш хусусиятини аниқлаб беради, чунки вояга етмаган шахсларнинг ривожланиши давомида уларнинг ҳуқуқ субъектчилиги қонунчиликда белгиланган муайян ёшга етиш билан муомала лаёқати ҳажмининг кенгайиши эвазига бир неча маротаба ўзгаради. Бинобарин, муайян ёшга етиш билан вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ субъектчилиги янги ҳуқуқлар билан бойиб боради” [1, б. 86-90].

Дарҳақиқат, вояга етмаган шахснинг ёши катталашиб борган сари унинг муомала лаёқати доираси ҳам кенгайиб боради. Шу сабабли муомала лаёқатининг икки таркибий қисмлари: битим тузиш лаёқати ва етказилган зарарни қоплаш (деликт) лаёқати доираси ўзгариб боради. Жумладан Фуқаролик кодексининг 29-моддасида вояга етмаган, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаганларнинг муомала лаёқати доираси белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланишича, “ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин”[2].

Мазкур нормадаги келтирилган қоида шуни англатадики, ўн тўртга ёшга тўлмаган вояга етмаган битим лаёқатига эга эмаслар. Бироқ бу қоида қатъий тусга эга эмас ва ундан истиснолар ФКнинг 29-моддаси иккинчи қисмида белгиланган. Бошқача айтганда, ФКнинг 29-моддаси иккинчи қисмида санаб ўтилган битимлар рўйхати қатъий ва ёпиқ бўлиб, ушбу нормадан кўрсатилмаган бошқа ҳар қандай битимларни ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар номидан уларнинг қонуний вакиллари тузишлари лозим. Масалан, 13 ёшли спорт гимнастикаси билан шуғулланадиган қизнинг номидан спорт клуби ёки спорт федерацияси билан битимни унинг ота-онаси тузади. Шунингдек, ушбу спортчи қизга тўланадиган мукофот пулларини тасарруф этиш ҳам ФКнинг 29-моддаси иккинчи қисми 3-бандига кўра қонуний вакилларнинг розилиги билан тасарруф этилиши лозим.

Вояга етмаган спортчиларнинг спорт клублари доимий аъзолик тўғрисида ёки меҳнат муносабатлари сифатида шартнома тузиш борасида амалга қонунчиликда аниқ чегара мавжуд эмас. Бунда вояга етмаган спортчи бевосита муайян спорт клубини номидан эмас балки ўз номидан спорт мусобақаларида иштирок этиши мумкин. Бу ҳолатда унинг номидан қонуний вакил спорт мусобақаси ташкилотчиси билан шартнома тузади. Мусобақада бир мартаба иштирок этишга оид шартномада мусобақада қатнашиш шартлари, иштирок ва муайян натижага эришганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори ва уни олиш тартиби ҳам вояга етмаган спортчининг қонуний вакили билан келишилади. Вояга етмаганларнинг битим-шартнома муносабатларига кириши масаласи ўрганилаётган пайтда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

1. Қонуний вакилларнинг розилигининг ҳуқуқий табиати, шакли ва ҳуқуқий оқибати;
  2. ФКнинг тегишли моддаларини бузиб вояга етмаганлар томонидан тузилган битимнинг ҳуқуқий эмаслиги ва уларнинг мулкӣ оқибати;
  3. Вояга етмаганларнинг мустақил битим тузиш лаёқати(ФКнинг 27, 29-моддалари)
- Ота-оналар, васий ёки ҳомийлар ёки фарзандликка олувчиларнинг вояга етмаганлар томонидан битим тузишларига розилигининг ҳуқуқий оқибати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умумий қоида тариқасида вояга етмаганлар томонидан тузиладиган битим юзасидан вояга етмаганлар томонлардан бири бўладилар. Битим юзасидан келиб

чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар унга тегишлидир. Бу қоида вояга етмаганлар томонидан қонуний вакиллар розилигини олиб ёки олмасдан тузиладиган барча битимларга таалуқлидир. агар тузиладиган битим юзасидан жавобгарлик келиб чиқмайдиган бўлса қонуний вакилларнинг розилиги масаласини ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга эмас. Агар битим тузилиши натижасида томонлар зарар кўрсалар бу тартибда ҳал қилинишига олиб келса, розилик масаласини ҳал қилишга тўғри келади. Агар битим тузиш натижасида фақат вояга етмаган зарар кўрса бундай ҳолларда вояга етмаганнинг қонуний вакиллари уни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишлари лозим. Айрим ҳолларда зарар вояга етмаганнинг айби билан иккинчи тараф томонидан етказилиши мумкин. Шу сабаб ҳам вояга етмаганларнинг тузадиган битимлари юзасидан розилик олиш талаб этилади.

Вояга етмаганлар муомалага лаёқатсиз ҳисобланганликлари туфайли улар томонидан тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади. Бу ҳолат ФКнинг 117-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб унга асосан ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, ФК 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно. Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса - унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, иккинчи тарафга у кўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

ФКнинг 118-моддасига мувофиқ эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан ФКнинг 27-моддасига мувофиқ унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг розилиги талаб қилинадиган ҳолларда уларнинг розилигисиз тузилган битим ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийсининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас деб топилса, ФК 117-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Бу қоида вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлганлиги сабабли уларга ва эмансипация ҳолати қўланилган вояга етмаганларга нисбатан жорий этилмайди.

Шу сабаб ҳам улар тузадиган ҳар қандай битимда қонуний вакиллар – ота-оналар, васийлик ёки ҳомийлик институтлари, фарзандликка олувчилар розилиги талаб этилади.

Вояга етмаганлар яъни ўн тўрт ёшга тўлмаганлар умумий қоидаларга асосланган ҳолда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар. Барча битимларни улар номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари амалга оширадилар. Лекин 14 ёш бу вояга етмаганларни руҳиятини, унинг интеллектуал ақлий шаклланиши учун етарлича

муддат ҳисобланади. Шу сабаб қонун томонидан ёш болаларга маълум бир битимларни амалга ошириш имконияти берилади. 6 ёшдан 14 ёшгача бу биринчи вояга етиш оралик даври бўлиб бу ёшда улар майда маиший битимларни, текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар, қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга.

“Маълумки, ҳар қандай битим шахсларнинг эрки-иродаси билан боғлиқ бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибат туғдиришга қаратилади. Битимда уни тузувчиларнинг маълум моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эрклари ифодаланади. Битим шахсларнинг эрки билан боғлиқ бўлган, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлганлиги туфайли битимда ифодаланган эрк изҳор қилиниши, яъни бошқа шахсларга билдирилиши лозим.

Эрк ва унинг баён этилишининг бирлиги битимнинг ҳақиқий деб топишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади” [3, б. 12].

Демак, битим бу фақат шахсларнинг эрки иродасига мувофиқ бўлган муайян ҳуқуқий ҳаракатларнинг келтириб чиқаришни назарда тутиб, онгли равишда қилинган қонуний ҳаракатларгина битим ҳисобланади. Битим тузиш натижасида муайян ҳуқуқий оқибат туғдириш учун битим тузувчи шахслар битимда ўз эркларини ифодалашдан ташқари муайян ҳаракатни қилишлари лозим бўлади. Айнан эркини баён этиш ва у билан биргаликда эрк баёнини амалга ошириш-ҳаракат қилиш учун эса шахсда муайян ақл, идрок, онгли ўзини-ўзи бошқариш кабилар мавжуд бўлиши керак. Акс ҳолда бу амалга оширилаётган ҳаракат битим сифатида тан олинмайди. Демак юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, қонун ҳужжатлари болада битим тузиш лаёқатини 6 ёш қилиб белгиланган. Албатта бунинг маълум бир объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Ушбу ҳолат ФКнинг 29-моддасида ўз ифодасини топган. Унда белгиланишича ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни, уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин. Модданинг иккинчи қисмида мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқи болаларга 6 ёшга тўлгандан сўнг берилиши белгиланган. Айнан нима учун 6 ёш қилиб белгиланган? деган савол туғилиши табиий.

Фикримизча, бу чегара нисбатан олинган бўлиб, бу боланинг рухий, жисмоний ва ақлий мустақил ҳаракат қилишга тайёр эканлиги билан изоҳланиши мумкин. «Нисбатан» ибораси эса бу жараён турли болаларда турлича кечиши, айрим ҳолларда болалар ҳатто 6 ёшдан сўнг ҳам бу каби ҳислатларни ўзида мужассам қила олмаслиги, айримларида эса бу 6 ёшдан олдинроқ вужудга келиши мумкинлиги боис ишлатилмоқда. Бу ёшдаги бола айрим кичик махсулотларни харид қилиб олаётганда сотувчи боланинг ота-онасини чақириб келишини талаб қилиши даргумон. Бундан ташқари инсонни

шаклланишида замон ва маконнинг таъсири бенихоятда катта эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, жамиятнинг ривожланиши, турли техника-технологияларни шахсга таъсири (бу ерда телевидения, компьютерлар, радио ва бошқалар назарда тутилмоқда) шахснинг ақлий ривожланиши, тушуниш жараёнини тезлашиши мустақил битимлар тузиш имкониятини 4-5 ёшдан бериш мумкин деган хулосани келтириб чиқаради. Назаримизда мустақил битим тузиш лаёқатини 4-5 ёшдан қилиб белгилаш учун эса аввало жамиятдаги болаларнинг ақлий ривожланиши психологлар, тиббиётчи ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказиш орқали аниқлаш ва сўнгра уни нормалаш лозим

Ҳозирги кунда қонунчиликда ҳам ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказмасликлари лозимлигини ва болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, кўполлик, инсоний қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлардан, болаларни ҳақоратлаш ёки уларга тайзик ўтказишдан ҳоли бўлишлари кераклиги кўрсатилган. Агар ота-оналар ўзларининг ота-оналик ҳуқуқларини болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратиб амалга оширсалар бунинг учун улар фуқаролик-ҳуқуқий, жиноий, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ш.Юлдашевнинг таъкидлашича, “ота-оналарнинг жавобгарлиги оила қонунчилиги нормалари асосида ҳам вужудга келишлиги мумкин, яъни маълум шартларнинг мавжуд бўлиши ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўлиши мумкин”[4]. Албатта, ҳаётда бўладиган ҳар хил объектив ва субъектив омиллар натижасида ҳамма ота-она ҳар доим ҳам болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошира олмасликлари мумкин. Яъни, агар ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узок муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади. Сабаби, васийлик ва ҳомийлик органларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳам айнан ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни аниқлаш ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Матқурбанов Р. Сделки совершаемые несовершеннолетними по гражданскому праву Республики Узбекистан // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. –Ташкент, 2007. - №2. –С. 86-90.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.

- 
3. Агарков М.М. Понятие сделки по советскому гражданскому праву. //Советское государство и право. –Москва, 1946 №4 -С. 12.
  4. Юлдашева. Ш. Оила ҳукуқи.- Тошкент.2009.